



# MCHJ BUXGALTERIYA SERVICE AUDIT AUDITORLIK TASHKILOTI

☎ (91)332-72-88 (88)322-72-88

✉ bsa\_navoiy@bsa.uz

📍 @audit\_bux\_2022

## МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“Navoiy savdo kompleksi” АЖ

рахбариятига

СТИР 204718362

Навоий вилояти, Навоий шаҳри Кичик туман 17Б Тел: (78) 224-24-44

### Молиявий ҳисобот аудит натижалари буйича хулоса.

#### Фикр.

Биз “Navoiy savdo kompleksi” АЖнинг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган “Бухгалтерия баланси-Ф1” ҳисоботи кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида “Молиявий натижалар-Ф2” тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “Navoiy savdo kompleksi” АЖнинг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тагаган йил мобайнида унинг молиявий ҳолатини ва молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) га мувофиқ тўғри ва ҳаққоний акс эттирилган.

#### Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар буйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви буйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал” бухгалтерлар учун ахлоқ Кодекси” талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қонун ҳужжатларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

#### Аудитнинг муҳим масалалари.

Аудитнинг муҳим масалалари-ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган.

#### Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботини таёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайлик жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятини тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.



Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

### **Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги.**

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида ақс эттириш. Ақли ишонч ишончининг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит хар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профиссионал мулоҳаза юритамиз ва профиссионал скептицизмни қўлламиз. Бундан ташқари биз куйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин.

- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ булган ички назорат тизимини кўриб чиқади;

- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;

Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ходисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланишимақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботда молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни каратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ходисалар корхона фаолиятинининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

Биз молиявий ҳисоботни тақдим этилишини унинг тузилишини ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операцилар ҳамда ходисаларни ишончли тарзда тақдим этишни баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги хар кандай камчиликлар тўғрисида мулоқот қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида биёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитининг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масалаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз.

**“BUXGALTERIYA SERVICE AUDIT”**

Аудиторлик ташкилоти директори:



**И.Б.Равшанов**